

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



ALEKSANDR POPOV  
(1859-1906)

2022  
IYUL  
№42



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81  
+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz  
www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
4-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-4**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-4**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 42-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 июль 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 13 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

#### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

#### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

#### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

#### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

#### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

#### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

#### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА  
ТУТГАН ЎРНИ**

<b>1. Ярмухамедова Иродахон Носир қизи</b> «НЕОУСМОНИЙЛИК» ТУРКИЯНИНГ АСОСИЙ МАФКУРА ВА ГЕОСТРАТЕГИЯСИ .....	7
<b>2. Абдурахмонов Санжар Бегмуратович</b> ДЕМОКРАТИЯ ГЛОБАЛЛАШУВИНИ ТАЛҚИН ЭТИШДА “ШАРҚ-ҒАРБ” ДИХОТОМИЯСИ ҚЎЛЛАНИЛИШИНING НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	9



## СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

### «НЕОУСМОНИЙЛИК» ТУРКИЯНИНГ АСОСИЙ МАФКУРА ВА ГЕОСТРАТЕГИЯСИ

**Ярмухамедова Иродахон Носир кизи**

Ўзбекистон Давлат Жаҳон  
Тиллари Университети,  
Ижтимоий фанлар кафедраси,  
мустақил изланувчи  
тел: +9989974001440

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада Туркиянинг ташқи сиёсий фаолиятини амалга оширишида давлат мафкурасининг ахамиятига баҳо берилди. «Неоусмонийлик» давлат мафкураси сифатидаги роли минтақа ҳамда жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилашда асосий восита сифатида таҳлил этилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Туркия, ташқи сиёсат, геостратегия, «неоусмонийлик», давлат мафкураси.

*Ҳа, биз “янги Усмонлилар” миз.*

*Биз қўшни давлатлар билан  
муомала қилишимиз керак.*

*Биз ҳатто Африкага ҳам борамиз.*

*Буюк давлатлар буни ҳайрат билан кузатади.*

*А. Довутўгли*

Сўнгги йилларда Туркия ташқи сиёсатида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Унинг назарий ва амалий асослари ўзгартирилди. Мамлакат ташқи сиёсий фаолиятининг илмий доирада кенгайтириш шароитида “неоусмонийлик” атамаси пайдо бўлди, бу жаҳон ҳамжамияти томонидан турлича талқин қилинсада, давлатнинг ташқи сиёсий стратегиясини белгилаб берувчи асосий оптимал концепсия ҳисобланади. Туркиянинг бугунги кунда жаҳон миқёсида таъсири ва обрўси ортиб боришини унинг иқтисодий салоҳияти ва фаол ташқи сиёсати билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга Туркия ташқи сиёсати икки асосий оқим вакилларининг қарашлари тўқнаш келганлигини кузатиш мумкин: камолчилар ва янги усмонийлар вакиллари. Ҳар бир давлат ташқи сиёсати муайян ғоялар ва қарашлар таъсири остида бўлади.

Давлатнинг ҳозирги сиёсий курсини «неоусмонийлик», пантуркизм ва турк миллатчилиги аралашмаси, дейиш мумкин. Ундаги ҳар хил элементлар Туркиянинг ким билан ва қандай сиёсат олиб борашига қараб, яъни ўз фуқаролари, унга иттифоқдош Ливия ва Мисрдаги Мусулмон биродарлари суннийлари билан, Марказий Осиёдаги туркийзабонлар ва суриялик қочқинларга қараб ёки биринчи ўринга чиқади ёки йўқолиб кетади. Неопантуркизм кўп жиҳатдан «неоусмонийлик» билан ўхшашдир. «неоусмонийлик» – бу Туркиянинг собиқ мустамлака мамлакатларига ўз таъсирини қайта тиклашини тарғиб этувчи доктрина. Улар келиб чиқиши, географияси, стратегик мақсадларида фарқланади. Пантуркчилик – неопантуркизм четдан кириб келган бўлса, «неоусмонийлик» чинакам туркий ғоядир. Неопантуркизм кўпроқ мустамлака ҳудудларини (Болкон ярим ороли, Қрим, Кипр, Родос, Кавказ, Левант, Ироқ, Эроннинг бир қисми, Жазоир, Ливия, Миср) қайтариб олишга йўналтирилган ғоядир.

«Неоусмонийлик» Туркиянинг қўшни ҳудудларга таъсир доирасини “юмшоқ куч” орқали, иқтисодий, инсонпарварлик ва миллатлараро руҳ ҳисобига кенгайтириш бўйича ташқи



сиёсий доктринаси ҳисобланади. Асосий йўналишлар - Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Кавказ, Қрим ва Болқон. «неоусмонийлик» атамаси расмий ҳужжатларда ишлатилмаслиги ва Туркиянинг Усмонлилар империяси таркибига кирган мамлакатларда ўз таъсирини кенгайтириш учун норасмий таълимотини ифодалаши муҳим. «неоусмонийлик» ибораси 1985 йилда инглиз тадқиқотчиси Девид Бурчард томонидан киритилган, ammo бу концепсия фақат 2003 йилда Туркия Ироққа йўл олган Америка қўшинларини ўз ҳудудидан ўтказишга рухсат бермаганидан бери муҳокама мавзусига айланди. Анқара Қўшма Штатларнинг «кичик ҳамкори» ролини ўйнамоқчи эмаслигини ва Яқин Шарқда ўзининг геосиёсий манфаатларига эга эканлигини намоиш этди. Аслини олганда, «неоусмонийлик» турк ташқи сиёсатидаги бутун бир қатор ғоялар ва амалиётларни бирлаштирган тушунчадир. «Неоусмонийлик» мафкурасининг асосий унсурлари неопантуркизм, панисломизм, шунингдек, араб ва Болқон мамлакатлари, Осиё ва Африка давлатлари билан ўзаро муносабатлардир.

«Неоусмонийлик» мафкурасининг яна бир алоҳида йўналиши араб мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликдир. Унинг вазифаси Туркиянинг минтақадаги ролини ошириш ва Туркиянинг иқтисодий, сиёсий ва маданий иштирокини таъминлаш орқали Анқаранинг таъсир доирасини кенгайтиришдан иборат.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Туркиянинг янги «неоусмонийлик» стратегиясида бир нечта фундаментал позитсияларни ажратиш мумкин:

1) Туркия энди ўзини АҚШ ва НАТОнинг мустақил равишда, ўзини Евросиё минтақасининг маркази ҳисоблаб минтақада хавфсизлик тизимини назорат қилишга даъво қилади;

2) Туркия раҳбарияти ташқи сиёсатни исломлаштиришга доир айбловларни рад этиб, Ғарб ва Россия билан алоқаларни кучайтирди;

3) Туркия расмийлари «неоусмонийлик» тажовузкорлик белгиларини ўз ичига олмайди ва бир қарашда бундай белгилар мавжуд бўлган баъзи қадамлар суверен давлат томонидан ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни англатади;

4) «неоусмонийлик» стратегиянинг асосий йўналишлари - Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Марказий Осиё, Кавказ, Қрим ва Болқон ҳудудларига қаратилган;

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, “неоусмонийлик” инсонпарварлик ва иқтисодий таъсир усулларини қўллаш орқали минтақада ҳамда жаҳон сахнасида янги ўзига хосликни шакллантиришга уринишдир. У Туркия ташқи сиёсатининг барча стратегия ва тактикаларининг асосий мафкураси бўлган геостратегияни ифодалайди. Бундай ташқи сиёсат концепциясини ишлаб чиқишда Туркия аҳолисининг кўпчилигини ана шундай мафкура байроғи остида бирлашиш тарафдоридир.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вестник РУДН, серия Международные отношения, сентябрь 2015, том 15, № 3
2. Свистунова И.А. Ближний восток во внешней политике Турции в XXIв.: региональная стратегия. URL: <https://riss.ru/bookstore/journal/2021-2/j13/>.
3. Аватков В.А. Турецкая Республика Внешняя политика:от 2002-2018.
4. Davutoğ lu A. Principles of Turkish Foreign Policy and Regional Political Structuring // Turkey Policy Brief Series. 2012. № 3.
5. Davutoglu A. Turkey’s Foreign Policy Vision: An Assessment of 2007 // Insight Turkey. 2008. Vol. 10/1.
6. Davutoğ lu A. Turkey's Zero-Problems Foreign Policy. URL: [http://www.mfa.gov.tr/article-byh\\_e\\_-ahmet-davutoglu-published-in-foreign-policy-magazine-\\_usa\\_-on-20-may-2010.en.mfa](http://www.mfa.gov.tr/article-byh_e_-ahmet-davutoglu-published-in-foreign-policy-magazine-_usa_-on-20-may-2010.en.mfa).



ДЕМОКРАТИЯ ГЛОБАЛЛАШУВИНИ ТАЛҚИН ЭТИШДА “ШАРҚ-ҒАРБ”  
ДИХОТОМИЯСИ ҚЎЛЛАНИЛИШИНING НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

Абдурахмонов Санжар Бегмуратович,  
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги  
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли  
кадрларни тайёрлаш институти таянч докторанти,  
телефон: +998933072342  
sanjarfotih@gmail.com

**АННОТАЦИЯ:** Бугунги кунда дунё миқёсида демократиянинг глобаллашуви кузатилмоқда. Барча мамлакатлар маълум бир даражада демократлашув жараёнига тортилган. Мазкур жараёнларни изоҳлаш янгича ёндашув ва қарашларни тақозо этмоқда. Ушбу мақолада “Шарқ-Ғарб” илмий конструкциясининг демократиянинг глобаллашувини талқин этишдаги назарий камчиликлари таҳлил этилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** демократия, глобаллашув, шарқ, ғарб, дихотомия, Осиё кадриятлари.

Бугунги глобал ижтимоий тараққиёт жараёнида кузатилаётган энг умумий тенденция бевосита ва билвосита демократия билан узвий боғлиқ бўлиб қолганлиги жаҳонда рўй бераётган ҳар қандай ҳодисаларни “демократик ва антидемократик” дихотомиясида “баҳолаш”нинг детерминант стереотипини пайдо қилди. Айнан мана шу мантикий қурилма таҳлилнинг бошқа услубларига беписанд муносабатни шакллантиради ҳам. Чунки, бугунги кунда жаҳонда глобал миқёсда цивилизацияларнинг “буюк уйғониши” жараёни юз бераётган бир вақтда ҳар бир цивилизациянинг ички ривожланиш маромлари фақат унгагина тегишли тараққиёт муаммолари ечимларини талаб қилиши ҳодисаси бундай стереотиплаштирилган детерминистик ёндашувларни нақадар волюнтаристик характерга эга эканлигини фош қилиб қўяди. Бундай дейишимизга сабаб, совуқ уруш даврига хос бўлган тафаккур услуги ундан кейинги жуда мураккаб бўлган воқеликка нисбатан ҳам ишлатилиб келинмоқда. Ваҳоланки, бугун дунё “оқ ва қора” ранглардангина иборат бўлмай, унда “турфа хил” ранглар ўз жилосини намоён этмоқда. Шундай экан бугунги дунёни англаш учун “оқ ва қора” ранглар камлик қилади. Бироқ шунга қарамай, тараққиётнинг бугунги кунига тегишли қонуният мазкур жараёнларни ҳақли равишда маркази демократия бўлган тизим тортиш кучи доирасида “айланиш”га мажбур қилмоқда. Ана шу нуқтаи-назардан қараганда, биз бугун жаҳоннинг яхлит манзарасини чизишда мана шундай “тортиш кучи”нинг беихтиёр “қурбон”ига айланамиз. Ундан қочиб чиқишнинг эса имкони йўқ.

Ижтимоий фанлар тизимида социология ва ижтимоий фалсафа фанлари инсоният тараққиётини ўрганар экан, унда инсониятнинг умумий яхлит ижтимоий организм эканлиги, унинг функционал структураларнинг умумий тизимига эгаллигига асосий эътибор қаратилади. Масалан, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий институтлар инсониятнинг мавжуд бўлиши ва давомийлигини сақлаб туришга қаратилган. Бунда ягона фарқ тарихий тараққиёт давомида географик омилларнинг устуворлигига асосланган икки хил типни: Шарқдаги ва Ғарбдаги ижтимоий жараёнларнинг нисбатан мустақил ривожланиш маромларини келтириш мумкин. Лекин шунга қарамай биз уларни ижтимоий тараққиётнинг етакчи ва барқарор доминантлари сифатида қабул қиламиз. Ҳозирги даврда эса биз бу икки кутбнинг уйғунлашувига гувоҳ бўлиб турибмиз. Барча ижтимоий жараёнлар мана шу икки кутбнинг ўзаро таъсири остида кечаётганлиги сабабли биз инсоният тараққиёти ягона ва бўлинмас босқичга ўтганлигини кўришимиз мумкин.

Ўтмишдаги барча чекловларнинг бартараф қилиниши ва глобал дунёнинг шаклланиши мана шундан гувоҳлик бериб турибди. Албатта, бу осонлик билан кечаётгани йўқ. Чунки, бу икки кутб ўртасидаги “туғма” фарқланишлар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлсада, бироқ бу аста-секинлик билан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юз бераётган унификациялашув сабабли қисқариб бормоқда. Мана шу маънода бугун биз демократия ҳақида гапирганимизда ана шу нуқтаи назарни ифода этган бўламиз ва демократик кадриятларни ҳеч қандай “бўёк”ларсиз (Шарқ ёки Ғарб) умуминсоний моҳиятда тушуна бошлаймиз.

Бугун инсониятнинг тақдири бу қадар умумийлик касб этмаган бўлса керак. Албатта бу



билан биз Шарқ ва Ғарб ўртасидаги фарқлар бутунлай йўқ бўлиб кетади деган қарашни мажбурлаб сингдирмоқчи эмасмиз, аксинча бундай фарқлар (масалан, тафаккур тарзи, меҳнатни ташкил этиш, дин каби ижтимоий институтларнинг таъсири, ҳокимият ва шахс ўртасидаги муносабатлар хусусиятлари, ижтимоий муносабатларнинг баъзи соҳаларидаги ўзгармас қоидалар, масалан, оила муносабатлари ёки гендер фарқликлар ва ҳоказо) бундан кейин ҳам сақланиб қолади. Лекин, Шарқнинг консервативлик хусусиятлари либерал ғоялар таъсири остида “сайқалланади”. Бунга ҳозирги вақтда жаҳонда юз бераётган баъзида кескин, баъзида осойишта кечаётган воқелик гувоҳлик бериб турибди. Масалан, ўз мавжудлигининг бутун тарихида Ғарб “таъсири”га қаттиқ қаршилик қилиб келган мусулмон мамлакатлари бугун бундай “таъсир”ни маълум бир чекловлар асосида ижобий баҳолаб улар билан муроса қилишга ўтди. Буни нафақат Жануби-Шарқий Осиёдаги Индонезия, Малайзия, Покистон каби мусулмон мамлакатларидан ташқари, Яқин Шарқда Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари Шимолий Африкадаги Жазоир мисолида ҳам кўриб турибмиз. Яқинда дунёнинг энг консерватив мамлакатларидан бири бўлган Саудия Арабистонида ўз тарихида биринчи марта аёлларга маҳаллий муниципалитетларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи берилганлиги, кинотеатрларга, футбол стадионларига, оммавий концертларга ташриф буюриш, шунингдек, маҳрамсиз ёлғиз юриш, машина ҳайдаш каби бир қатор таъқиқлар олиб ташланиши мамлакатда эркинлаштириш жараёни бошланганини ифода этди. Араб дунёсида демократлаштириш кўплаб муаммоларга дуч келаётганига қарамай бу борада бошқаларга етарли даражада ўрнак бўла оладиган мамлакатлар ҳам бор. Масалан, Бирлашган Араб Амирликларини оладиган бўлсак, ушбу мамлакат жамиятни либераллаштириш борасида Форс кўрфазидаги бошқа мамлакатлардан анча ўзиб ҳам кетди. Унинг тарихида ҳам биринчи марта аёл киши Федерал Миллий Мажлисга Президент (раҳбар) этиб сайланди ва бу билан улар араб дунёсини ларзага солган Араб баҳори манзарасида демократия сари тинч ва осойишта ўтиш мумкинлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, тинчлик соҳасида Нобел мукофотига сазовор бўлган Жазоирдаги “тўртлик”нинг мамлакатни либераллаштиришдаги муваффақиятлари демократиянинг глобал ижтимоий тараққиётнинг асосий маъғи сифатидаги ролини яна бир бор исботлади.

Фақат ўзига хосликни даъво қилиш ва уни ҳар жаҳода бошқаларга рўқач қилаверишнинг охири нималар билан тугашини бугунги кундаги тамаддунлар ўртасидаги кенг кўламли зиддиятларни ифода этувчи оммавий маданият мисолида ҳис қилишимиз мумкин. Шу маънода, бугун Шарқ ва Ғарб ўртасида илгари ҳеч бўлмаган имконият – бир-бирини ўзаро тушуниш ва бир вақтнинг ўзида бир-бирининг бўшлиқларини тўлдириш имкони пайдо бўлди. Энди бу икки моҳият ягоналик касб эта бошлади.

Жаҳонда ижтимоий муносабатлар ва институтларнинг ягона мазмун касб этиши рўй берган экан, фаҳмимизча, ижтимоий тараққиёт тушунчаси ҳам ер шарининг фақат ё шарқий, ё ғарбий қисмларидаги одамларни эмас, балки бутун инсониятни ифода эта бошлайди. Хусусан, демократия тушунчаси ҳам шундай аҳамиятга эга бўлади. Шу маънода олганда, ижтимоий тараққиётни демократик ўзгаришлар билан айнанлаштириш уни содаллаштиришдек туюлсада, аммо ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан, бу имкони мавжуд бўлган воқелик сифатида гавдаланади. Мисол учун жаҳондаги демократик ривожланиш тенденциясини олиб қарасак масала янада ойдинлашади. Стэнфорд Университети демократия бўйича эксперти Ларри Диамондга кўра, 1974 йилда жаҳон мамлакатларининг 30 фоиздан камроғини ифода этган атиги 35та демократик мамлакат бўлган. 2013 йилга келиб бу миқдор тахминан 120 тага ўсган ёки жами мамлакатларнинг 60 фоиздан кўпроғини ташкил этган[1]. Илмий-амалий башоратлар ҳам яқин келажакда жаҳоннинг демократлашуви тенденцияси бардавом эканлигидан ҳам дарак бермоқда.

Американинг Разведка бўйича Миллий Қўмитаси томонидан тайёрланган “Глобал тенденция 2030: Муқобил дунёлар” номли тадқиқотида 2030 йилгача бўлган дунёдаги ўзгаришларга умумий чизгилар берар экан, бу давр мобайнида дунёдаги демократлаштириш жараёни жадаллашуви эҳтимоли жуда юқорилигини башорат қилади. Унга кўра, ҳозирги вақтда автократия ва демократия ўртасидаги жуда мураккаб босқичда каловланиб турган тахминан элликка яқин мамлакатларнинг деярли кўпчилиги Саҳрои Кабирдан жанубдаги Африка, Жануби-шарқий ва Марказий Осиё ҳамда Ўрта Шарқ ва Лотин Америкасидаги мамлакатлардир. Ижтимоий фанлар ва бугунги Рангли инқилоблар ва Араб баҳори тарихи ёш структурасида ўрта ёшлиларнинг ортиб бориши ва даромаднинг ўсиши билан сиёсий



либеризация ва демократиянинг илгарилаб бориши ғоясини тасдиқлайди. Шунга қарамасдан, кўпгина мамлакатлар келаси 15-20 йиллар ичида чалқаш демократик жараёнлар орқали ўз йўлларида нотекис тарзда давом этадилар[2].

Бугунги тараққиётнинг янги фазаси кўлами ва хусусиятлари Шарқ-Ғарб дихотомиясини методологик жиҳатдан анча эскириб қолганлигини намоён этмоқда ва унинг тобора ўтмишга дахлдор бўлиб бораётганлигини ҳам фош этиб қўйди. (Бу ёндашув анънавий тарзда ҳозирги кунда ҳам баъзи мумтоз геополитика мактаблари томонидан кенг ишлатилаётганлигини назардан қочирмаслик керак)

Сўнгги йилларда ЕИда глобал трендлар бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг жаҳон бўйича ўтказилган сўровномаларида қўлга киритган маълумотларининг кўрсатишича, турли хил халқлар ўхшаш иқтисодий ва сиёсий таҳдидларга қаршилик кўрсатишида норма ва кадриятларда “номувофиклик”дан кўра кўпроқ “мувофиклик” намоён этганлар[3].

*Келаси 20 йил давомида жаҳон бўйлаб илгари ҳеч бўлмаган ва унданда кенгроқ умуминсоний кадриятлар фуқаролар томонидан тобора кўпроқ баҳам кўриладиганга ўхшайди. Асосий маданий хусусиятлар ҳам гуллаб-яшнайдилар, шунингдек, фуқаролар демократик интилишларни маданий ўзига хосликни қўллаб-қувватлаш ҳуқуқи билан мувофиқ келадиган интилишлар сифатида англайдилар. Бу тенденция Хитой ва Миср, шунингдек Ҳиндистон мисолида жуда яққол аён бўлди. 1990 йилларда Осиё кадриятлари умуминсоний кадриятлардан фарқ қилади деган жуда кенг тарқалган тезис бундан буёғига ўз аҳамиятини йўқотадиган кўринади ҳамда инсон ҳуқуқлари ва демократия кўпдан кўп оммавий баҳс-мунозараларда “Ғарб”никидан кўра кўпроқ умуминсоний кадриятлар сифатида намоён бўлмоқда.*

2009 йилда Пью тадқиқот Маркази томонидан олиб борилган “Глобал ўрта синф: ривожланаётган мамлакатларда демократия, дин, кадриятлар, ва ҳаётдан мамнунлик борасидаги қарашлар” деб номланган тадқиқот кўрсатишича, 13 мамлакат (Чили, Украина, Россия, Венесуэла, Польша, Жанубий Африка, Малайзия, Мексика, Бразилия, Миср, Аргентина, Ҳиндистон ва Болгария)идаги ўрта синф вакиллари рақобат асосидаги сайловларга ва индивидуал эркинликларга жуда катта аҳамият қаратганлар ҳамда гендер дискриминацияни қабул қилишга нисбатан камроқ мойиллик билдирганлар.

Сўнгги тенденциялар (жаҳон миқёсидаги демократияга нисбатан ижобий муносабат – муаллиф) шуни кўрсатадики, демократия кадриятлари, инсон ҳуқуқлари ва сўз эркилиги жаҳон бўйлаб кенг тарқалмоқда. Бугун жаҳон бўйлаб ҳар 5 та одамдан 4 таси демократия бошқаришининг энг қулай тизими эканлигига ишонади. Бу қараш турли минтақа, дин, жинс ва ёш вакиллари томонидан билдирилмоқда[4].

Малайзиялик таниқли сиёсатчи Анвар Иброҳим демократиянинг “шарқона” ва “ғарбона” талқинлари сохта тасаввурлардан бошқа нарса эмаслигини таъкидлаб шундай деган эди:

*Конфуций ахлоқ меросига эга бўлган Жанубий Корея ва Тайван демократиянинг Ғарбона концепциялари Осиё цивилизацияси билан мувофиқ эмаслиги ҳақидаги тасаввурларни чипакка чиқарди. Аҳолисининг асосий қисми буддавий бўлган Таиланд ва жаҳондаги энг кўп мусулмон аҳолига эга бўлган Индонезия демократияни шакллантиришида муваффақиятга эришдилар. Ушбу мисолларга зид бўлган “Осиё кадриятлари” ёлгон дискурси авторитар ҳукмдорлар ва уларнинг маслакдошлари ўз ҳукмронлигини оқлаш ва сақлашда қанчалик чуқур кетганликларини намоён этди...*

*Осиёликлар нафақат демократия тамойилларини қўллаб-қувватлаш, балки демократик институтлар ва эркинликларни ҳимоя қила олиш истакларини намоён эта олганликлари рад этиб бўлинмасдир[5].*

Шу маънода, келажак авлод ижтимоий тараққиётнинг Шарқ ёки Ғарб типи дилеммаси олдида сарсон бўлиш хавфидан холос бўлибгина қолмасдан, демократиянинг “Ғарбона” шакли ёки “вестернизация” каби сийқаси чиққан ғоявий қурилма ва “цивилизацион ўзига хослик” никобидаги турли тор доирадаги гуруҳлар манфаатларининг қурбонига айланиш таҳдидидан ҳам бир йўла қутиладиган кўринади. Ўзбекистонлик сиёсатшунос Фарход Толипов ҳам айни шу масалага тўхталиб Шарқ-Ғарб концепциясига назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилувчи Ориентализм ва Оксидентализм назарий мактаблари маънавий жиҳатдан анча эскирган қурилмалар эканини таъкидлайди ҳамда уларни қўллашда эҳтиёткорликка чақириб шундай дейди: “ориенталистик дунёқарашда ҳам, оксиденталистик дунёқарашда ҳам ўзига яраша кучли жиҳатлари мавжуд, чунки уларни пайдо бўлишига муайян воқелик сабаб бўлган. Улар фақат ушбу воқеликнинг бир қиррасини ёритади



холос”[6].

Бирор-бир мамлакатга тегишли муаммо, айниқса у унинг маданий хусусиятлари билан боғлиқ бўлса, умумижтимоий тараққиётнинг умумий принциплари асосида ҳал қилинишга кўпроқ мойил бўлади, яъни бу демократик институтлар мавжуд маданий тартибларга нисбатан муқобил вариант бўлиб хизмат қилиш имконияти мавжуд бўлганидагина рўй бериши мумкин. Бу ҳолатни биз бугунги кунда Ғарбда истиқомат қилаётган кўплаб мусулмонлар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Ғарчи улар ислом арконларига қатъий амал қилсаларда, ижтимоий ҳаётнинг кўпгина соҳаларида демократик қадриятлар учун очиқ эканлигини намоён этиб ҳам келмоқда. Албатта, яқин келажакда Осиёнинг бирор бир мамлакати демократиянинг “Шарқона” типи ҳақида даъво қилиб чиқса, бу илгаригидек мутлоқ тарздаги муайян цивилизациянинг типик вакили сифатида ўзини намоён қила олмайди. Аксинча, бундай уринишлар фақат сиёсий мақсадларни никоблаш учунгина хизмат қилади, холос.

Биз бугун ижтимоий тараққиётнинг “географик фрагментарлаштирилган” манзарали босқичдан ўзаро соцоимаданий уйғунлашган манзарали босқичга ўтиш арафасида турибмиз. Демократия ва унинг қадриятлари мана шундай босқичга ўтишда асосий маёқ вазифасини ўтайди. Чунки демократик ривожланиш ўз тараққиёти давомида бир қатор муваффақиятсизликларга учраганига қарамай бошқа тараққиёт моделларидан фарқли ўлароқ яшаб келмоқда ва дунё бўйлаб ёйилишда давом этмоқда. Унинг умумижтимоий модел сифатидаги аҳамияти ҳам шундан иборат.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Francis Fukuyama. At the 'End of History' Still Stands Democracy. The Wall Street Journal. June 6, 2014. // <http://online.wsj.com/articles/at-the-end-of-history-still-stands-democracy-1402080661>.
2. Global Trends 2030: Alternative Worlds. // [https://www.dni.gov/files/documents/GlobalTrends\\_2030.pdf](https://www.dni.gov/files/documents/GlobalTrends_2030.pdf).
3. Ўша манба.
4. Global trends 2030 – Citizens in an interconnected and polycentric world. Institute for Security Studies European Union. European Union Institute for Security Studies. // <https://www.iss.europa.eu/content/espas-report-%E2%80%98global-trends-2030-citizens-interconnected-and-polycentric-world%E2%80%99>.
5. Ibrahim A. UNIVERSAL VALUES AND MUSLIM DEMOCRACY // Journal of Democracy Volume 17, Number 3, July, 2006.
6. Толипов Ф. “Ориентализм ва Оксидентализм масалаларига назарий қарашлар. Ўзбекистон ва Марказий Осиёни ўрганиш муаммолари” // Шарқшунослик, №1, 2018.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 4-ҚИСМ

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.07.2022

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000